

ҚАЙРАҒОЧДОШЛАР ОИЛАСИ ULMACEAE (УЛМАЦИЯ)



Қайрағочдошлар (Ulmaceae) оиласининг вакиллари дарахт ўсимликлардир, айримлари буталар сифатида ҳам учрайди. Барглари оддий тузилган, кузда тўкилиб кетади, барг пластинкаси патсимон томирли, чети тишчали. Ёнғоқбаргчалари тез тўкилиб кетади. Гуллари айрим жинсли, улар кучаласимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси қанотчали ёнғоқча ёки қуруқ этли данак, уруғи эндоспермасиз.

Оила таркибида 9 та туркум (кўплаб манбаларда 6 ёки 10 та деб келтирилади).

Кўплаб туркум вакиллари тропик минтақаларда учрайди.

Туркум номлари

1. Ampelocera
2. Hemiptelea - Гемиптелея
3. Holoptelea- Ҳиндистонда ўсади.
4. Phyllostylon – Бразилияда ўсади.
5. Planera - Планера
6. Ulmus - Қайрағоч
7. Zelkova - Зелкова
8. Celtis - Қатранғи
9. Aphanan
10. Trapa

Ampelocera туркуми таркибида 14 та тур мавжуд бўлиб, улар Мексикадан Бразилиягача бўлган тропик ҳудудларда тарқалган кичик дарахтларни ўз ичига олади.



Гемиптелея туркумида фақат битта *H. davidii* – Давид гемиптелеяси тури мавжуд. Уни *P. davidii*, *Z. davidii* деб ҳам аташади. У Корея яримороли ва Хитойда тарқалган. Унумсиз тошлоқ қияликларда ўсади. Тўғри танали, зич шох-шаббали дарахт ёки бута. Новдалари 1,5 см гача бўлган тиканли, пўстлоғи оч жигарранг ёки тўқ жигарранг тусда. Куртаги шарсимон-тухумсимон, майда. Барги эллипссимон ёки чўзиқ эллипссимон 2-5 см ли, новдада 8-12 тадан жуфт бўлиб жойлашади. Гули 2 жинсли, меваси қуруқ 6 мм ли ёнғоқча. Апрель ойида барг чиқариши билан бир вақтда гуллайди.

Қайрағоч (Ulmus) туркуми. Бу туркумнинг вакиллари асосан дарахтлар бўлиб, баъзан бутасимонлари ҳам учрайди, пўстлоғи қўнғир рангда бўлиб, айрим турларида у ажралиб тўкилиб туради. Симподиал типда шохланади, новдаси бўғимли барглари новдада икки қатор бўлиб навбат билан жойлашади.

Булар барг ёзишдан олдин гуллайди, шамол воситасида чангланади. Гуллари ўтган йилги новдаларнинг ён куртакларидан ривожланади. Улар икки жинсли. Меваси май охири ёки июн ойининг бошларида етилади. Илдизи ўқ илдиз бўлиб, дастлабки вақтларда яхши ривожланмай, сўнг ривожланиб, ерга жуда чуқур ўсиб киради ва бақувват илдиз тизимини ҳосил қилади. Қайрағочлар тўнкасидан ҳам яхши кўкаради. Айрим турлари илдизидан бачкилайди. Ёғочи ўзакли, қаттиқ, пишиқ, эгилувчан бўлиб, яхши ёрилмайди. У дурадгорликда, машинасозликда кўп ишлатилади.

Ёғочи энг яхши ўтин ҳисобланади. Қайрағочнинг турлари Кавказ ва Қримда, Россиянинг ўрмон ва ўрмондашт зоналарида тарқалган. Айрим турлари водийларда, унумдор тупроқли ерларда ўсади. Уларнинг барчаси қурғоқчиликка чидамли ҳисобланадилар. МДХ нинг Европа қисмидаги дашт-чўлларда ҳам кўп экилган. Уларнинг айримлари бу каби қурғоқчил шароитларда ҳам тез ўсадилар. Катта ёшга киргач, секин ўса бошлайди, голланд касаллиги билан касалланади ва тез қуриб қолади.

Тик қоматли қайрағоч (Ulmus procera Sabisb.)
баландлиги 15-16 м га, диаметри 60-70 см га етади.
Танаси сершоҳ бўлиб, шарсимон шоҳ-шабба ҳосил қилади. Бу қайрағочнинг ёғочи сарғиш, қаттиқ, оғир, зичлиги юқори, ўзаги қўнғир рангда. Ундан қурилишда ва дурадгорликда ҳамда ўтин сифатида фойдаланилади. Пўстлоғи терини ошлаш учун ишлатилади. У асосан Европада ўсади, унинг зич шоҳ-шаббали шакли бўлиб, Марказий Осиё республикаларида кўп экилади. Бу қайрағоч тури қурғоқчиликка ва иссиққа чидамли, жанубий ҳудудларда суғорилмайдиган ерларга ва кўча, хиёбон ҳамда паркларга экиш тавсия этилади.



Америка қайрағочи ёки Оқ қайрағоч (*Ulmus americana* L.) катта дарахт бўлиб, баландлиги 40 м га яқин. Унинг шох-шаббаси стакансимон шаклда ривожланган. Ёғочидан чамбарак, ғилдирак, эгар ва турли дурадгорлик асбоб-ускуналари учун даста ишланади. Пўстлоғидан Ҳиндистонда маҳаллий аҳоли пишиқ арқон эшади. У иссиққа, қурғоқчиликка ва шаҳар шароитларида ҳавонинг ифлосланишига чидамли дарахт. Оққайрағоч уруғидан ва қаламчаларидан кўпайтирилади. У Шимолий Америкада Буюк кўллар жойлашган ҳудудда, Квебекнинг шимоли-шарқий қисмида табиий ҳолда ўсади. У 175 йилгача яшаши мумкин.

Сариққайрағоч (*Ulmus fulva* Michx.) оққайрағочдан кичикроқ дарахт, баландлиги 20 м га, диаметри 1 м га етади. Халқ хўжалигида ихота ўрмонлари барпо этишда аҳамиятга эга. Унинг ёғочидан шпал, дук, майда қайиқ, қишлоқ хўжалиги асбобларига даста ишланади. Бу қайрағоч ҳам Шимолий Америкада оққайрағоч тарқалган ҳудудларда ўсади. У кўпинча голландия замбуруғи келтириб чиқарадиган касаллик билан касалланади.

Бужун қайрағоч (*Ulmus Uzbekistanica* Litv.) баландлиги 25 м га, диаметри 40-50 см гача бўлган дарахт. Шох-шаббаси сийрак, овал ёки юмалоқ шаклда.

Бу қайрағоч уруғдан яхши кўпаяди, илдизидан бачкилайди. Қурғоқчиликка чидамли тур ҳисобланади. Унинг шох—шаббаси анча чиройли. Уни аҳоли яшаш жойларни кўкаламзорлаш-тиришда, айниқса, қурғоқчил ҳудудларда экиш тавсия этилади. Шаҳарларда, парклар ва автотрассаларда йўл бўйлаб экилган.

Силлиқ қайрағоч (Ulmus laevis Pall.) катта дарахт, баландлиги 35 м га, диаметри 1 м га етади. Барглари новдаларида навбат билан жойлашади. Ён томирлари баъзан шохлаган бўлади. Бу хусусиятлари билан у бужун қайрағочдан фарқ қилади. Ёши катта дарахтининг илдиз тизими ерга чуқур шиб киради. Тўнкасидан яхши кўкаради. Эзилган ёки зарарланган илдизларидан бачкилайди.

Қайрағоч турлари ўрмон ёки ўрмон-дашт зонасида япроқли ёки нинабаргли ҳамда кенгбаргли аралаш ўрмонларда ўсади. МДХ да Кавказда, Скандинавияда, Англияда ва Ўрта Европада ўсади. Бу қайрағоч совуққа чидамли бўлади, соясевар дарахтлар орасида икинчи ярусда ўсади. Нам ва унумдор ерларни хохлайди, замбуруғ касаллиги билан зарарланади. Ёғочи ўзакли, қаттиқ эгилувчан, қўнғир кул рангда, ўзагининг тевараги тиниқ сариқ рангда бўлади. У дурадгорликда, машинасозликда, хомут, ғилдирак ҳалқаси, чана ясашда ишлатилади.

Қайрағоч яхши соя берадиган чиройли шох-шаббаси билан диққатни жалб этади, шу сабабли у паркларда кўп экилади. Унумдор ерларда жуда йирик дарахт сифатида ўсади. Иссиққа, қурғоқчиликка чидамли. Бу қайрағоч кўкаламзорлаштириш мақсадида илгаридан экииб келади. Республикамизнинг иссиқ ва қуруқ иқлимига чидамли бўлганлиги учун ўрмончилик ва кўкаламзорлаштиришда юқори баҳоланади.

Давид қайрағочи



Тоғқайрағоч (*Ulmus scabra* Mill.) катта дарахт, баландлиги 30 м, диаметри 2 м гача шох-шаббаси кенг қалин. Бу қайрағоч тўнкасидан яхши кўкаради, илдизидан бачкилайди. Бу қайрағоч МДХ нинг Европа қисмида, Крим ва Кавказнинг, Россиянинг ўрмон ва ўрмон-дашт зоналарида ўсади. Тоғларда денгиз сатҳидан 1500 м гача баландликларгача кўтарилади. Совуққа чидамли, у сояга ҳам чидамли бўлганлигидан эман ва қорақарағай ўрмонзорларида 2 ярусда яхши ўсади.

Унумдор, сернам ўрмон ва бўз тупроқли ерларда яхши ўсади. Ёғочи силлиқ бўлиб, силлиқ қайрағочникига ўхшайди. Ундан дурадгорликда, машинасозликда, мебел ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ўрмоншунослик ишларида кам қўлланилади. Республикамиз шароитида қурғоқчиликка, совуққа ва турли касалликларга чидамли. Уни тоғли ҳудудлардаги аҳоли турар жойларни кўкаламзорлаштириш мақсадида экиш тавсия этилади.

Садақайрағоч (*Ulmus densa* Litw.) катта дарахт, шох-шаббаси кенг, қалин, пирамидал, шарсимон шаклида. Ушбу қай-рағоч тури энг манзарали қайрағоч турларидан бири ҳисоблана-ди, узоқ ўтмишдаёқ бу тур кўкаламзорлаштириш мақсадларида Марказий Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларга кўплаб экилган. Бу қайрағоч Марказий Осиёда тоғ дарёлари водийсида ҳам табиий ҳолда учрайди. У далалар чеккаларида, боғларда, катта ариқлар бўйида экилади. Қурғоқчиликка чидамли дарахт, шу сабабли ихотазорлар барпо этишда ва чўл ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади. МДХ нинг Европа қисмининг жанубий ҳудудларига ҳам экиш мумкин.

Бу турлардан ташқари қайрағочнинг ***Ulmus foliacea* Gilib, *Ulmus pumila* L, *Ulmus suberosa* Moench., *Ulmus pinnato-ramosa* Dieck, *Ulmus Androssovii* Litv.** каби турларидан ҳам ўрмончиликда ва кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади.

Қатранғи ёки тўғдона (Celtis) туркуми. Туркумнинг вакиллари дарахт ўсимликларидир, баландлиги 15 м га етади. Барглари оддий тузилган, новдада навбат билан жойлашади. Қатранғи барг ёзиш билан бир вақтда гуллайди. Новдасининг юқори қисмидаги гуллари икки жинсли. Меваси сентябр-октябр ойида етилади. Қатранғи тоғ қияликларида, тоғлардаги бошқа ўрмон дарахтларидан бўш, очик ерларда тарқалган. У ёруғсевар, қурғоқчиликка чидамли бўлиб, ҳар хил тупроқларда, айниқса, нам ва оҳакли ерларда яхши ўсади. Бачкилар ва пархиш йўли билан ҳам кўпаяди.

Ёғочи ўзакли, кул ёки қўнғир рангда, техникавий хоссалари юқори оғир, зичлиги юқори, пишиқ, қаттиқ, букиладиган, яхши қириладиган бўлгани учун ундан ҳар хил мақсадларда фойдаланиш мумкин, дурадгорликда, чолғу асбоблари яшашда ҳам ишлатилади. Пўстлоғидан бўёқ, ошловчи моддалар олинади. Меваси мойга бой, уруғидан мой олинади. Қатранғи тоғли худудларни кўкаламзорлаштириш ва ўрмонларни янгилаш мақсадида экилади. Туркумнинг 70 га яқин тури бор. Кавказ қатранғиси, ғарб қатранғиси ва силлиқ қатранғи ўрмончиликда кенг фойдаланилади.

Кавказ қатранғиси (*Celtis caucasica* Willd.) дарахт ёки бута бўлиб, баландлиги 4-7 м га етади. Меваси сентябр-октябр ойларида етилади. Кавказ, Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистон тоғларидаги тошли ерларда денгиз сатҳидан 1500 м гача баландликларда ўсади. Уни тоғ ўрмончилиги ва ўрмон мелиорация ишларида, жумладан, тоғ қияликларини ювилишдан сақлаш мақсадида экиш тавсия этилади. Украинада, Шимолий Кавказда хушманзара дарахт сифатида ҳам экилади. Қурғоқчиликка чидамли, лекин совуқдан зарарланади. Ғарб ва силлиқ қатранғилар, тарқалиши ва бошқа хусусиятлари билан кавказ қатранғисидан фарқланади.

Бу ҳар иккала тур ҳам Шимолий Америкада тарқалган бўлиб, бундан 150 йил илгари МДХ мамлакатларига интродукция қилинган. Ҳозир Украинада, Кавказда ва бошқа ҳудудларда ўсади. У қурғоқчиликка жуда чидамли, сув кам бўлган дашт ерларни кўкаламзорлаштиришда жуда мос келади. Шимолий Америка ўрмонларида **ғарб қатранғиси (*Celtis occidentalis* L)** ва **силлиқ қатранғи (*Celtis laevigata* Willd.)** кенг тарқалган ва бу турлар ўрмон мелиорациясида кенг қўлланилади.

Дзелькова (Zelkova) туркуми. Туркумнинг вакиллари катта дарахтлар бўлиб, баландлиги 30 м га, диаметри 2 м га етади. Шох-шаббаси қалин, барглари новдада навбат билан жойлашади. Бу дарахт барг ёзиш билан бир вақтда гуллайди. Гуллари икки жинсли. Туркумга кирувчи турлардан **граббаргли дзелькова (Zelkova carpinifolia Dipp.(Pall))** маданий ҳолда ўстирилади. Бу Ғарбий Кавказда ва Ленкорандаги паст тоғларда табиий ҳолда тарқалган. Бу ерларда эман, шум ва граб дарахтлари билан биргаликда аралаш ўрмонлар ҳосил қилиб ўсади. Улар соясевар, нам тупроқни ва ҳавонинг нисбий намлигини юқори бўлишини хохлайди. Ёғочи техникавий хусусиятларига кўра эманнинг ёғочидан юқори туради. Ўз ватанида тез ўсади, 300 йилгача яшайди. Кавказда, Кримда ва Украинада маданий ўрмонларда кўп экилади. Тошкентда **Zelkova carpinifolia Dipp.(Pall.)** яхши ўсмоқда. У жуда хушманзара дарахт бўлиб, баландлиги 30 м га, диаметри 2 м га яқин йирик дарахт бўлиб ўсади, шу сабабли ҳам уни кўкаламзорлаштириш мақсадлари учун тавсия этиш мумкин. Ёғочи оғир, зичлиги юқори ва пишиқ бўлиб, ундан турли дурадгорлик асбоблар ясалади.

Граббаргли дзелькова



Австралия қатранғиси



афанансе



Бужун қайрағоч



Майда баргли қайрағоч



Ғарб қатранғиси



Ғарб қатранғиси



Граббаргли дзелькова

